

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ижтимоий-сиёсий шаҳар рўномаси

№ 101 (8. 043) 1992 йил 25 май, душанба Нархи 1 сўм

Бугунги кун нафаси

## ЖУМЎРИЯТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Вазирлар маҳкамаси етиштирилган пилла ҳосилга давлат буюртмасини 75 фоиз миқдорда белгилаш тўғрисида қарор қабул қилди. Пилланинг қолган қисми тўжалиқлар томонидан эркин нархларда сотилади.

Машинасозлик мажмуаси қоронгаларда халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш масалалари Ўзбекистон Президенти ҳузурдаги Вазирлар маҳкамасида муҳокама этилди. Унда шу йилнинг ўтган тўрт ой мобайнида мажмуадаги қоронгалар 35,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарганилиги, унинг 11 фоизини халқ истеъмолчи моллари салмоғи ташкил этётганилиги айтилди. Республика аҳолисининг бу молларга бўлган эҳтиёжининг 62 фоизи бошқа минтақалар ва чет эллардан келтирилган маҳсулотлар билан қондирилган. Бир пайтда бу етарли эмаслиги алоҳида таъкидланди. Машинасозлик мажмуаси халқ истеъмол қиладиган юқори сифатли, рақобатбардор моллар ишлаб чиқарадиган қоронгалар барпо этиш ва мавжудларини ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқариётган дастурий амалга ошириш келгусида республикада 6 миллиард сўмликдан зиёд ана шундай маҳсулотни истеъмол бозорига чиқариш имконини бериши керак.

Май ойида бўлиб ўтган сурункали ёмғир, жала ва сел республиканинг 1 миллион 130 минг гектар пахта майдонига зарар etkazди. Қўрилатган шовишлик қоралар натижа-сида ҳозирнинг ўзида зиён etkazилган пахта майдонларининг 600 минг гектарига чигит экиб бўлинди.

Кеча Малайзия ташқи ишлар вазирлиги делегацияси Тошкентга келди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Убайдулла Абдуразақов Яман республикаси делегациясини қабул қилди.

## ҲАМДУСТЛИҚДА

Туркменистон мажлиси (парламенти) республика Президентининг янги сайловини шу йил 21 июнда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу лавозимга Туркменистоннинг ҳозирги Президенти Сапармурод Ниязов номзоди курсатилди.

Май ойида Қирғизистонда бўлиб ўтган жала ва сел, кучли зилзила катта талафотлар etkazди. Республикада 10 мингтага яқин уй вайрон бўлган, 53 минг киши бошпанасиз қолган. Уш вилоятда пахта майдонларининг 40 фоизини сел олиб кетган. Табиий офатлар келтирган умумий зарар 4 миллиард сўми ташкил этади.

Қозғоғистон Олий Кенгаши иқтисодий ислохотлар, бюджет ва молия масалалари бўйича комитетининг раиси Саук Такежанов яқин вақт ичида Қозғоғистоннинг ҳам ўз валюта-си бўлиши тўғрисида баёнот берди. Бу миллий пул бирлиги танга деб номланиб сўм билан баб-баравар муомалада бўлади.

«Известия» рўзномасининг муҳарририяти Россия Олий Кенгашининг Раиси Руслан Хасбулатов Москва шаҳар Краснопереенск район халқ судига берди. Унда Руслан Хасбулатов томонидан рўзнома нуфузига ҳақоратомюз сифатда айтилган маълумотлар ёлгон эканлиги тўғрисида у томонидан расман матбуотда баёнот берилиши талаб қилинади.

## ХОРИЖДА

Португалия пойтахти—Лиссабонда Беларус, Қозғоғистон ва Украина ташқи ишлар вазири ҳам собиқ СССР ўз вақтида АҚШ билан имзолаган стратегик ҳужум қурол-арғонлари бўйича шартномага қўшилганликлар тўғрисидаги шартнома имзо чекдилар.

Хитойда қуввати 1 мегатоннага бўлган ер ости ядро портлаши ўтказилди. Бу ана шундай синовлар ўтказиш бошлангандан буён портлатилган энг кудратли бомбадир. АҚШ билан Россия шу муносабат билан ўз таассуфларини билдиришар.

Япон мутахассисларининг Токиода эълон қилган ҳужжатларига кўра, собиқ Совет Иттифоқидаги мавжуд 60 та атом энергоблокидан 16 таси худди Чернобылдагига ўх-шашлиги сабабли дарҳол тўхтатилиши керак. Чунки улардаги камчиликларни тўзатишнинг имконияти йўқ. Бу мута-сассислар 6 майдан 15 майгача Россия ва Украинада бўлиб, атом электрстанцияларида хавфсизликка риоя этилиши билан батафсил танишиб чиқдилар.

Литвада президентлик лавозимини жорий этиш юзаси-дан ўтказилган референдумда овоз берганларнинг 69,5 фоизи «ха» жавобини берган бўлсалар ҳам бу масала ҳал бўлмай қолди. Чунки референдумда овоз бериш ҳуқуқи бўлмаган республика аҳолисининг яқин 40 фоизга яқини ишти-рок этиш қонунига кўра эса аҳолининг камда яримдан кўпроги референдумда иштирок этган тақдирдагина унинг натижалари қонуний ҳисобланади.

Тамланд бош вазири генерал Суинида Крапавон миллий телевидение орқали истеъфога чиққанини эълон қилди. Бир ҳафта давомда мамлакат пойтахтида аҳолининг унинг бу лавозимни эълаганига қарш оммавий чиқишлари бўлиб ўтди. Бунда маъмулар билан намойишчилар ўрта-сидиги тўқнашуларда камда 40 киши ҳалок бўлди.

## \* Янмиликлар, воқеалар

### Бирлашма ҳузурда

БУ қорхона номи тилга олинган заҳоти «ақл»ли машиналар тайёрлаш жараёни кўз ўнгимизда жонланган бўлади. Чундан ҳам Тошкентдаги «Алгоритм» илмий-ишлаб чиқариш бир-лашмаси Ўрта Осиёдаги электрон-ҳисоб-лаш машиналари яратиб берувчи йирик қорхоналардан бири саналади.

Бугунги бозор иқ-тисодиёти шароитида бирлашма хаворлар турли хил буюм-лар тайёрлашга их-тисослашган кичик қорхоналарни очиш тадбирлари қўрилом-да. Ҳозир бирлашма ҳузурда йиғирмага ақли кичик қорхона фойдаланмоқда. Улар инкубаторлар, теле-фон аппаратлари ишлаб чиқариш билан шугулланмоқда. Энди-ликда тиббиёт сperi-лигазорлари ишлаб чи-қариш ҳам йўлга қў-йилди.

Бирлашма муҳан-дислари саъй-ҳара-катлари билан амалга оширилган ва ибратли тадбирлар неча йн-лаб илчи-хизматини иш билан таъминлаш учун ҳам йўл очди. Саодат **ЎДИЛОВА**.

### Туркияда ўқишди

ТОШКЕНТ киме-технология олий билимгоҳи куллиятлари-нинг эллика яқин та-лабаси турли ихтисос-ликлар бўйича Тур-кияга бориб ўқиш ня-тида талловда ишти-рок этишга тайёргар-лик кўрмоқда. Бунинг учун фан асосларини чуқур билиш, она тили ва чет тиллардан бирини яқини ўзлаш-тириб олиш борасида улар тер тўкиб меҳ-нат қилишмоқда. Тан-ловнинг синон варақча-си ёрдамида ўт-казиш ва бу ишда Тур-кия олий билимгоҳла-рининг вакиллари ишти-рок этиши кутил-моқда. Таллов голиб-лари шу йил кузда Туркияга ўқишга жу-наб кетадилар.

Қудрат **АХМЕРОВ**, профессор.

### Ҳиндистонга боришдан мақсад

КОМИЛ Ерматов номидаги «Ўбек-фильм» киностудия-сининг ижодий гуру-ҳи Вомбайдаги «Ра-хил продакшн» кино-студияси билан ҳам-корликда тўла мет-ражли бадиий фильмин суратга олиш мақ-садида Ҳиндистонга жўнади. Ҳозирча «Сев-ги чегара билмас» деб номланган фильм сце-нарийсининг бир муал-лифи Э. Хўжаев 5 йил давомида АПН («Янгиликлар» мат-буот агентлиги)нинг Ҳиндистондаги мухби-ри бўлиб ишлаган.

Ҳиндистонлик кино-драматург Анонд Ко-ранвал А. Хўжаев билан ҳинд йиғитини севиб қолган ўбек қизининг саргузашти муҳаббати тарихини баган. Фильмин сурат-га олишда жумҳурия-тиниздан режиссёр С. Нормухамедов та-всия қилинмоқда.

Султон **НУЛДОШЕВ**.

## \* Янмиликлар, воқеалар



**ҲОЗИРГИ** тақчиллик барча соҳада инланишни, тал-биркорлик билан иш ту-тишни тақозо этмоқда. Бу-ни «Чевар» тикучилик иш-лаш чиқариш бирлашма-си 1-цехи мисолида кўри-шимиз мумкин. Бу ерда йил бошидан, аниқроғи фев-ралдан янги нухсадаги кийим тикнишга киришилди. Ўтган йиғирма йил да-вомида бундай ўзгариш би-ринчи бор юз бериши эди. Худди шу фикрни қорхона касабаси уюшмаси ва 1-цехнинг жонкуярлари ҳам тасдиқладилар.

Ишлаб чиқаришда меҳ-нат қилаётган аёллар учун энг аввало шароит яратиш лозим, — дейди касабаси уюшмаси раиси Мунира Хасанова. — Бу борада бизнинг қорхонада шароит бор, деб ишонч билан айта оламиз. Бош қорхонада 840 киши, филиаллар билан қўшиб ҳисоблаганда 3 мингдан зиёд илчи-хизмат-чи меҳнат қилади. Вида асосий ишларини аёллар ба-жаришади. Улар қорхона ишчиларининг 95 фоизини ташкил этади. Ишчилар учун тиббий ва алоҳида тиш даволаш хоналари мавжуд. Айни вақтда тушлик учун қўшимча ҳар кун 10 сўмдан ҳақ тўлаямиз. 240 болага мўлжалланган мах-

## \* Меҳнат жамоаларида ИЗЛАНИШ ДАВОМ ЭТАДИ

сус боғчамиз бор. Агарда ёш болали омарлар қаров-чи йўқ бўлса зудлик билан болаларини боғчага жой-лашга ёрдам берамиз. Она эса кўнгли хотиржам дав-роғи ёнида ишини давом эттираверади.

Қорхонамиз аёлларининг фаоллиги ва ушқоқчилигини тан олиш керак. Бундай дейишимизга сабаб: «Нав-рўз» шодинаси фикрим-нинг далилидир. Шу танга-нада айниқса қизларимиз ўз маҳоратларини намойиш этишди. Байрам оидидан хайрия шанбаили ўтказил-ди. Шу кунги тушган маблагдан «Орол»нинг ас-раш болалар жамғармалари-га, «Наврўз» маррафонига 1,5-2 минг сўмдан пул ўтказ-дик. Меҳр-шарфақт йўлида қилаётган ишларимиздан таш-қари изланиш борасидаги ҳаракатимиз чакки эмас. Қолган гапни ташаббускор

1-цех фидойиларидан эшит-ганимиз маъқул.

**Лазоқат НОСИРОВА**, цех бошлиғи: — Ҳар бир нарсанинг ўз ўрни бор деганла-рича бор экан. Ўтган йил-лар давомида фақат аёл-лар кўйлаги тикавериб, бир хил нухсада иш тикнишга кўзимиз ўрганиб қолган экан. Дастлаб эркакларнинг кўйлак ва шимларини тикасизлар, де-йишганда тўғриси инкилан-дик. Ҳали бошланмаган иш хусусида шов-шув гап тарқалди. Лекин аниқ маъ-сад сари бир қақдан бош чиқарилса амалга ошмай қолмас экан.

Бизни кийимлар аввал тажриба цехида эмас балки тўғридан-тўғри шу ерда тиклишни, ип етишмаслиғи қийнади. Тикниш машина-лари хоржики бўлганлиги туфайли, уларга хоржидан келтирилган иплар мос ту-

ради. Ҳаммамизга маълум, четдан олинаётган маҳсу-лотлар жуда қиммат. Ип-Йиғирув ва тўқимачилик ком-бинатидан келтирилатган иплар эса сифатсиз. Мана шу ипларни тикув машина-ларига мослаштиргунга қа-дар ва бошқа тикниш жараёнини ўзгартириб ўз-лаштиригунча узлуксиз уч-ой вақт ўтди. Февралдан май ойига қадар ишчиларнинг қийналганини сўз билан ифода этиш мен учун жуда қийин. Лекин иродали, серфрор аёлларимиз — ҳар қандай машаққатни енгиш-га қодир эканликларини ис-бот этишди.

Уша ойлар ичида 300—400 сўм ойлик маош олдик. Мана энди шунча тортган азобларимиз эвазига ро-ҳати бошланди, десам янглишмайман. Тайёр маҳ-сулотнинг харидориги бўла-ётгани гайратимизга — гай-

## \* Суратли ахборот СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ

ЎТГАН шанба кун шаҳри-мининг барча мактабларида сўнги қўнғироқлар янгради. Бинобарин энди дарслар, ус-тахонадаги машғулотлар ор-тда қолди, олданда баъзи ёш-лар учун таътил кунлари, баъзи ёшлар учун эса ҳаёт йилини танлаш турибди. Шаҳ-римиздаги 186-мактаб ўқув-чиларига ҳам бу гап жуда

тааллуқлидир. Сўнги қўнғи-роқ муносабати билан бу ерда бўлиб ўтган маросим унинг ҳар бир қатнашчиси қалбига узоқ вақт сақланиб қолади. Бу ўқув йилида мак-табда 1087 ўқувчи тақсил кўрди.

Тантанали маросимда сўзга чиққан мактаб директори Жамилжон Эшбоев ўқувчи-

ларни ўқув йили якунланиши, сўнги қўнғироқ чалиниши билан қизгин муборакбод этиб уларга келгуси ишлари ва ҳаётларида омад тилади. Бинобарин шаҳримиздаги мактабларни бу йил битира-ётган ёшлар олдига кетадан-катта вазиғалар турибди.

**СУРАТДА:** мактабда сўнги қўнғироқ.



## \* Мутахассис тушуниради ЎЗ РАЙОННИНГИЗДАН ОЛАСИЗ

Кейинги кунларда муҳарририятимизга кўччилик транспорт воситаларининг эгалари қўнғироқ қилини-ши, махсублар йўллашати. Сабаби, оғоҳлантириш та-лопини олишдаги қўнғироқлар, ДАНИнги илтиҳон ва рўйхатга олиш бўлими жойлашган Файзободда ҳа-дудан ташқари одам қўнғироқ туфайли фуқаролар иш-дан ташқари йўқотмоқдалар. Оғоҳлантириш талонини тар-ватини кишилар учун осонроқ бўлиши тўғрисида қаттиқнинг кишилар учун осонроқ бўлиши тўғрисида бирор бир чора-тадбирлар кўрилатганими? Бу саволга Тошкент шаҳар Ҳокимият ижроия маҳкамаси ИИБнинг ДАН бошқармаси жамоатчилик билан мулоқот ва йўл ДАН бошқармаси тарғибот қилиш бўлими ходими, ҳаракати қондасини тарғибот қилиш бўлими ходими, милиция катта лейтенанти Рамзиддин Муҳиддинов жа-воб берди:

иратиш мақсадида ДАН бошқармаси томонидан қў-йилган тадбирлар жорий этилади. Яъни 26 майдан бошлаб оғоҳлантириш та-лопини Файзободдан ташқари барча район ДАН бўйинма-ларида ва диагностика мар-

казидан ҳам тарқатилади. 1 июндан Қонуи кучга кир-ди, лекин уша кунгача оғоҳлантириш талонини ҳам-ма ҳам олиб улгурмас-лигини ҳисобга олиб, унинг тарқатилиш муддатини 1 июлдан қўнғироқ қарор қилинди.

Кези келганда эслатиб ў-т-моқчимиз, оғоҳлантириш та-лопини олиш учун қўйидаги ҳужжатлар керак бўлади: паспорт, ҳайдовчилик гу-воҳномаси, имтиҳон вара-қаси ҳамда матълум миқ-дордаги пулни алоҳида ҳи-соб рақамига тўлаганлиги ҳақида ҳужжат. Ҳар ким бу рақамни ўзи яшаётган қайиондаги ДАН бўйинма-ларидан билиб олиши мум-кин.

## \* ХДП: район ташкилотларида КОТИБЛАР ТАНИШТИРИЛДИ

Ўзбекистон Халқ де-мократик партияси Чилнозор район таш-килоти кенгашининг мажлислар залида бошланғич ва цех пар-тия ташкилотлари ко-тиблари иштирокида семинар ўтказилди. Се-минарда Ўзбекистон ХДПси район ташки-лоти кенгашининг ик-кинчи котиби Бех-зод Маллонов «Ўз-бекистон Халқ демо-кратик партияси аъзо-ларини ҳисобга олиш тўғрисидаги Нияз» билан тўпаланганларни таништирди.

Ўзбекистон ХДПси район ташкилоти кен-гашининг ҳисоб секто-ри бўлим мудириси Лидия Петровна Го-лубева «Ўзбекистон Халқ демократик пар-тияси ҳужжатларини юритиш нормалари ҳамда методлари ҳа-қида» ва «Ўзбекистон ХДПси аъзоларини ҳи-собга олиш, аъзоларни вақтинча тўхтатиб ту-риш ҳамда аъзоларни бутунлай тўхтатиш тартиби тўғрисида» маъруза қилди. Сўн-гра семинар иштиро-кчилари Ўзбекистон Халқ демократик пар-тияси Марказий Кен-гашини томонидан чиқ-аришган тартиб ташки-лий ва ички иш юри-тиш тартиби мукае-самлашган йўриқнома билан таништирилди. Бехзод Маллонов ва Лидия Петровна Го-лубеалар семинар иштирокчиларининг са-волларига жавоб қай-тардилар.

**Халия ГАФУРОВ**.

## \* Рўзноманинг шу сонига ҲАЖ САФАРИГА

Тошкент учувчилари Саудия Арабистоннинг Жидда шаҳрига оммавий парвозларини бошлаб юбордилар. Улар мусулмонларни Ҳаж сафарига олиб боришади.

Бугун ИЛ—62 тайёраси Саудия Арабистонга бўла-жақ ҳожиларни олиб учди. Уни кема командири Влади-мир Луцук, иккинчи учувчи Рустам Екубов, штурман Саюбон Салтонов, борт радиости Владимир Иванов бошқариб боради. Биринчи ионгача эса ҳаммаси бўлиб 18 рейс бажарилиши кўзда тутилмоқда. Шундан сўн-гра буюр таънаффусдан кейин учувчилар ҳожидадини юртла-рига қайтариб олиб келади-лар.

Ҳаж сафарига чиққанларга ҳаво кемааларининг энг яқини жамоаларни хизмат кўрсатиша-ди. Улар орасида Эдуард Иброҳимов, Игорь Мельни-ков, Виктор Станкевич, Александр Коротков, Генна-дий Салов, Владимир Фотин ва бошқалар бор.

Ҳамма учувчилар ушбу йўналиш ва захирадаги тай-ёрагоҳлар бўйича тўла назарий тайёргарликдан ўтдилар. Жиддага парвозлар учун масъул бўлган биринчи учин-отриди командирининг ўрни-

босари Заҳриддин Файзиев бу йўналиш анча мураккаб эканлигини айтиди. Тошкент-дан кўтаришган тайёралар Термиз орқали Афғонистон, Эрон, Бирлашган Араб Амирликларидан ўтиб Саудия Арабистонига боришади. Қатор ақиқатлар бу йў-налиш бўйича ил бор учди. Шунинг учун парвозда улар вида йўриқчилар бўлади.

**Абдула ГАФУРОВ**.

○ **СУРАТЛАРДА:** бугун эрталаб Тошкент тайёраго-ҳидан Ҳаж сафарига жўнаб кетганлардан бир гуруҳи. Даврон Аҳмад суратлари.







